

3 "...Кимки китоб, газета-журналларни кўп ўқиса, у маънавияти юксак, дунёқараши кенг, маданиятли бўлиб, бундай кишилар ҳеч кимга, ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмайди."



8 "...Орзуим — биз яратган кўшиқларни чет элларда ҳам ихро этишса ва шунга арзирли, миллий руддаги ўзбекона кўшиқлар ярата олсак..."

Хабар

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ

WWW.XABAR.CC.UZ

DRIF@INFONET.UZ

1992-йил мартдан чиқа бoshлаган

2004-йил, 11-июн, 24(613)-сон

Sotuvda narxi erkin

ҲАФТАЛИК ХАВАРЛАР

✓ Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг Афина шаҳри (Греция)да ўтказиладиган 2004 йилги XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида муносиб иштирок этишини таъминлаш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди.

✓ Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатлар хавфсизлик кенгашлари котибларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув қатнашчилари ШХТнинг доимий фаолият курсатувчи органлари иш бошлаган, ташкилот ўз тараққиётининг янги босқичга қадам қўйгани — турли соҳаларда амалий ҳамкорлик кенгайиб, чуқурлашиб бораётганини таъкидладилар.

✓ Олий Мажлиснинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари, Ижтимоий масалалар ва бандлик, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмиталари ҳамда Экология ва саноатлик халқаро "Экосан" жамғармаси ташкилотчилигида "Конунчилик, маданият ва атроф-муҳит" мавзусида анжуман бўлди. Унда табиий ресурслар — ер, сув ва қазилма бойликлардан фойдаланишда соҳага оид қонун ҳужжатларига амал қилиш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчи эканлиги алоҳида таъкидланди.

✓ "Соғлом авлод учун" халқаро ноҳукумат хайрия жамғармасининг "Оила" тиббий марказида кам таъминланган оилалар фарзандлари ва ота-она қаровисиз қолган болалар учун кундузги шифохона очилди. У Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан жамғарма билан биргаликда ташкил қилинди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Давлат солиқ ва божхона кўмиталари хайъатларининг кенгайтирилган кўшма мажлиси ўтказилди. Унда тўлов интизомини мустаҳкамлаш, нақд пул тушумлари кескин кўпайтириши ва банкдан ташқари пул айланмасига барҳам бериш масалалари муҳофазат этилди.

ИСЛОҲОТЛАР ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРА БОШЛАДИ

ёки "Навоий Телеком" филиалининг республикада биринчи бўлиб тўлиқ рақамли тизимга ўтиши ҳақида

Навоий вилояти ҳудуд жиҳатдан мамлакатимиздаги энг йирик вилоят саналгани боис, уни алоқа хизмати билан тўлиқ ва узлуксиз таъминлаш аччагина мушкуллик келтириб чиқаради. Ахир, Навоий ва Учқудуқ шаҳарлари оралиғидаги масофанинг ўзи қарийб Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари оралиғидаги масофага тенг ёки Учқудуқ туманига қарашли Авангард қишлоғига туман марказидан бориш учун деярли шунча масофани босиб ўтишга тўғри келади. Ана шундай шароитда, яна Қизилқум чўлинини ёзги жазираси-ю, қишқи изғиринида кеча-кундуз меҳнат қилиш ҳар қалай осон эмас. Бунинг уддасидан чиққанларни эса ҳар қанча олқишласа арзийди.

Вилоят 1982 йили тузилганлига қарамай, унинг ҳудудида телекоммуникациялар хизмати курсатиш 1979 йилдан бошланган. Бунга қадар ташкилотлар ҳисобидаги телефон алоқалари мавжуд бўлган, ҳолос. 1979 йили 10 минг рақамли станциянинг ишга туширилиши аҳолини телефон алоқаси билан кенгрок таъминлаш имконини берди. Турли йирик саноат ва металлургия за-

водларининг қурилиши, мавжудларининг кенгайтириши натижасида Навоий шаҳри янада йириклашиб борди. Янги қурилган биноларда истикомат қилувчи аҳоли эҳтиёжи учун 1989 йили яна 10 минг рақамли станция ишга туширилди. Ҳақиқатда ҳар 100 ҳужаликка 60та телефон тўғри келгани жуда юқори кўрсаткич эди.

(Давоми 2-бетда.)



Давлат оила муҳитидан айрилиб қолган боланинг ижтимоий муҳофаза этилишини таъминлашга ҳамда тегишлича оилавий ғамхўрликнинг муқобили яратилишини ёхуд бундай ҳолларда болани ўз парваришига оладиган махсус мажбуриятларни адо этишга қаратилган сый-ҳаракатларда боланинг маданий мансублиги инобатга олинмоғи лозим.

"Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция"дан.

СЕН ЁЛҒИЗ ЭМАСАН, БОЛАЖОН!

Ўтган ҳафтада пойтахтимизнинг "Интерконтинентал" меҳмонхонасида етим болаларни ижтимоий муҳофаза қилишга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуман "Sen yolg'iz emassan" Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуаси билан ҳамкорликда БМТ Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги кўмағида ташкил этилди.

Конференция "Меҳр ва мурувват йили" дастури ҳамда "Халқаро болаларни ҳимоя қилиш ҳафталиги" доирасида ўтказилди. Унда республикамиз вазирлик ва идоралари, жамоат уюшмалари ҳамда давлат ва нодавлат жамғармалар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, жумладан, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, "SOS Kinderdorf International" вакиллари иштирок этди.

Анжумани Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова очиб, мустақилликнинг дастлабки кунлариданқам ма-

лакатиимизда ёш авлоднинг баркамол ривожланиши учун ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, республикамиз болалар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир барча асосий халқаро ҳужжатларга қўшилган. Бу борада қатор давлат дастурлари, қонунлар амалга оширилмоқда. Ҳукуматимиз ушбу масала билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга катта маблаг ажратмоқда. Энг қувонарлиси, бу каби хайрли ишларда кўплаб жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Шулардан бири ота-онасиз тарбияланаётган болаларни қўллаб-қувватлашда катта ишларни амалга ошираётган "Sen yolg'iz emassan" Республика болалар жамоатчилиги жамғармасидир. Анжуманда ушбу жамғарма ҳимойлик кенгаши раиси Л.Каримова жамғарма ташкил этилган 2002 йил, ноябрдан буён қилинган ишлар ва келгуси режалар бора-борида маъруза қилди.

Шу ўринда икки оғиз жамғарма ҳақида: жамғарма ота-онасиз қолган болалар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимояси, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, истеъдодини рўёбга чиқариш, келгусида ишга жой-

лашишига ёрдам берадиган қўшимча билимларни эгаллашда уларга кўмаклашишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги меҳрибонлик уйларида 3193 бола тарбияланмоқда. Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда республикамизда оиланинг мақеви, болаларни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамиятини оширишга доир олиб борилаётган ишлар самараси ўларок, етим болаларнинг сони қамайиб бормоқда. Оиладан ташқарида вояга етаётган болаларнинг жамиятга қўшилиши масаласи жамоатчиликдан жиддий эътиборни талаб этади. Бундай болалар бошқалар каби яхши билим ва истиқболли касбни эгаллаш имконига эга бўлиши керак. Шунинг учун "Sen yolg'iz emassan" жамғармасининг энг муҳим вазифаларидан бири меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини мустақил ҳаётга тайёрлашдир.

Жамғарма ҳузурида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини касбга йўналтириш билан шуғулланадиган ўқув маркази ташкил этилган. Бу ерда улар учун турли фанлар бўйича машғулотлар ўтказилади. Мактаб дастурига қўшимча равишда эгалланган билимлар болаларга коллеж, лицей, олий ўқув юр்தларига киришда ёрдам бермоқда.

Хуллас, икки кун давомида анжуман қатнашчилари уч гурӯҳга бўлиниб, болаларнинг реабилитацион маорифи муассасалари тармоқларини кенгайтириш, уларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалаларининг ягона, умумий стратегиясини ишлаб чиқиш, муқобил тарбия шакллари тақомиллаштириш ҳамда қўллаб-қувватлаш каби асосий йўналишлар, шунингдек, болалар ҳимоясининг халқаро тажрибалари билан танишдилар.

Усмонжон Йўлдошев

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Рақамли станцияларнинг кириб келиши алоқа сифатини тубдан яхшилади

Мустақиллик йилларида соҳага замонавий рақамли АТСлар кириб кела бошлади. 96-97-йилларда Япониянинг ОЕСФ-1 лойиҳаси бўйича Оролбўйидаги тўртта вилоятга фоизсиз кредит ажратилди. Қийин табиий шароитларга қарамай, киритилган йирик инвестиция ёрдамида икки йил ичида вилоятда 384 километрга толали-оптик кабел ётқизилди, шунингдек, NEAX-61000 русумли 11та АТС монтаж қилинди. Бу ишларнинг амалга оширилиши вилоят телекоммуникациялар тизимида катта ўзгаришлар ясади. Биргина Навоий шаҳрида бундан олти йил муқаддам эскилари ўрнига ўрнатилган 27 миң симили станция шаҳарнинг деярли барча қисмини замонавий телефон алоқаси билан таъминлади.

Рақамли станцияларнинг ишга туширилиши қатор муаммоларни ҳам ҳал этди ва алоқа сифатини тубдан яхшилади. Масофадан қатъи назар сўзлашувдаги тиниқлик, бир мартаба тегишароқ дунёнинг исталган бурчаги билан боғланиш ва яна бир қанча қулайликлар ўн минглаб мижозлар учун рақамли алоқанинг қизиқарли ва оммавий бўлишини таъминлади. Қўшимча хизматлардан фойдаланувчилар сафи тобора ошиб бормоқда. Корхона эса бундан фақат фойда кўрапти. Айни дамда филиал даромадининг 10-12 фоизини айнан қўшимча хизматлардан тушган фойда ташкил этмоқда. Филиал жамоаси аҳоли ўртасида рақамли алоқа имкониятлари бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Вилоят газети ва телевидиоеларида бериб борилаётган эълонлар, турли хил афишалар аҳолининг қўшимча хизматлардан кўпроқ фойдаланиши учун замин яратмоқда. Тўғрида, 100дан ортиқ қўшимча хизмат турлари мавжуд рақамли телефон алоқаси имкониятларидан самарали фойдаланмаслик тайёр маблагни қўққа совириш демакдир.

Малакали мутахассислар – ютуқлар гарови

Албатта, юқорида тилга олинган ишлар ўз-ўзидан амалга ошгани йўқ. Бунинг ортида қанчадан-қанча изланишлар, машаққатли меҳнат ётқизилиши, толали-оптик кабелларнинг ётқизилишида, янги ускуналар ўрнатилиши ва ишлатилиши давомида маҳаллий мутахассислар хорижий хамкасбларига ўзларининг ижобий томонларини кўрсата оlishида. Бунда уларга Япония, Хитой каби мамлакатларда олинган билимлар қўл келди.

– Аҳил жамоамизда ўз қабсининг услатлари йиғилган, – дейди “Навоий Телеком” филиали директори Бозорали Тунгишбоев. – Умуман олганда, бу даражага етиш учун анчагина куч сарфлаганимиз. Ҳар йили мутахассисларни қайта тайёрлашга қарийб икки миллион сўм маблаг сарфланади. Айни пайтда мамлакатимиз поштахотидаги ўқув марказларида, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент алоқа коллежиде корхонанинг ҳар ўндан бир ходими ўз малакасини оширмоқда. Бу ҳаракатлар охир-оқибат ўзини оқлашига ишончим комил.

Филиал ходимларининг ҳар бешинчиси олий ва ўрта-маҳсус маълумотга эга. 260 киши ёки жамоанинг ўндан бир қисмини соҳада 10-20 йиллик тажрибага эга мутахассислар ташкил этади.

Ўтган йили кўрсатилган хизматлар ҳамми филиал бўйича 2,9 миллиард сўмдан ошди, даромадларнинг ўсиш кўрсаткичи 127,9 фоизга етди. Пуллик хизмат кўрсатиш режада белгиланганидан 16,1 фоиз ортиги билан бажарилди. Бу кўрсаткичларни жорий йилда ҳам сақлаб қолиш учун филиал ходимлари баҳоли қудрат меҳнат қилишмоқда.



компанияларнинг бўлимлари ижара асосида фойдаланмоқда.

Филиалда Интернетни оммалаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Вилоят шаҳарларида бир неча Интернет-кафедрлар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, аҳолининг ҳам бундай хизмат турига қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

– Соҳада тадбиркорликни ривожлантириш олдимизда турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади, – дейди филиал директори ўринбосари Салоҳиддин Хўжамонов. – Жойларда хусусий тадбиркорлар билан шартнома асосида сўзлашув масканлари ташкил қилганмиз. Шунингдек, бекатларда, одамлар гавжум жойлардаги дўконларда телефонлар ўрнатганмиз. Бу ишлар маркетинг бўлимининг томонидан амалга оширилмоқда. Лекин шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимки, хонадонлардаги телефонлар орқали хоҳлаган жойга киши имконининг яратилгани йирик сўзлашув шахобчаларида мижозларнинг қамайишига олиб келди.

уилатни тўғри англаган ҳолда иш олиб боришмоқда. Айтиш мумкинки, олти йилдан буён ҳали бирон бир узилш содир бўлмади ёки жиддийроқ муаммо келиб чиқгани йўқ. Кейинчалик ҳам бунга йўл қўйилмади. Сабаби – бу ерда тажрибали мутахассисларга муносиб издошлар етишиб чиқмоқда.

Ахборот жамияти яратиш йўлида

Корхона томонидан ОЕСФ-1 дастури муваффақиятли амалга оширилди, эндиликда JBIC лойиҳаси бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Ўтган йилнинг иккинчи ярмида вилоят марказидан анча узоқда жойлашган тоғли Нурота, Қизилқум чўлидаги Томди туманлари ва Учқудук шаҳрига толали-оптик кабел ётқизилди ҳамда янги рақамли АТСлар учун билимлар қўрилди. Ушбу ишларнинг бажарилишида Хитойда малака ошириб қайтган Комил Ибрагимов, Эркин Назаров, Отажон Абдурахмонов, Зариф

ИСЛОҲОТЛАР ЎЗ САМАРАСINI БЕРА БОШЛАДИ

ёки “Навоий Телеком” филиалининг республикада биринчи бўлиб тўлик рақамли тизимга ўтиши ҳақида

“Навоий Телеком” филиали муҳандис ва техник ходимларининг аксарияти Тошкент ахборот технологиялари университетини тамомлаган. Улардан техник директор, яқинда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан “Моҳир алоқачи” фахрий унвони билан тақдирланган Турсун Олимов, директор ўринбосари Салоҳиддин Хўжамонов, АМТС бошлиғи Яздон Беғимов, ишлаб чиқариш техник лабораторияси бошлиғи Худойкул Искандаровларни алоҳида таъкидлаш лозим. Бу мутахассислар бевосита ишлаб чиқариш жараёнида жиддий синовлардан ўтган, ҳар қандай қалтис вазиятдан ақл ва тажрибага суянган ҳолда хатосиз чиқиб кета оладиганлардандир.

Қадрлар ҳақида сўз кетаркан, филиалда хизмат қилаётган аёллар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Улар жамоанинг деярли ярмини ташкил қилади. Шунинг учун, корхона эришяётган ютуқларда уларнинг ҳам ҳиссаси каттадир. Алоқа соҳасида 20 йилдан буён хизмат қилиб келаётган, молиявий масалалар бўйича директор ўринбосари Флорида Лайга ва бош хисобчи Валентина Косяковалар иқтисодий масалаларни узил-кесил ҳал қилишмоқда. Электр алоқа бўлими бошлиғи Жамила Саматова, Навоий шаҳар телефон станцияси бошлиғи Галина Салахова ва телеграф бошлиғи Тамара Ризаевалар эса филиалда барчага ўрناк бўлиб, ўз жамоаларига етакчилик қилиб келишмоқда.

Ходимларга қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш иш самардорлигининг ошишида муҳим омилдир. Ушбу қондага филиалда қатъий амал қилинади. Фахрий ҳар ва фаол ходимлар учун Бўҳоро, Самарқанд каби қадимий шаҳарларга саёҳатлар уюштирилмоқда. Вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабаяошмаси кўмитаси кўмағида корхона спорт инструктори томонидан алоқачилар ўртасида турли хил мусобақалар ўтказиб турилибди.

Соҳада тадбиркорликни ривожлантириш

Вилоятда толали-оптик линия магистрал каналларининг ётқизилиши нафақат оддий телефонларда сўзлашув сифатининг ошиши, балки Интернет ва уяли алоқа хизматининг ривожланишига ҳам имкон яратди. Ҳозирда ушбу каналлардан “Uzdunrobita”, “COSCOM” ва “Daewoo Unitel” каби йирик уяли алоқа



Замон талаблари янгиликка ундайди

Замонавий технологияларнинг ҳаётига кириб келиши ва янги хизматларнинг пайдо бўлиши янги хизмат турларини жорий қилишни тақозо этади. Аналог станциялари орқали хизмат кўрсатилган даврда марказий АТСда 50 нафардан ортиқ коммутаторлар хизмат кўрсатар эди. Рақамли станциялар ўрнатилиши натижасида эса бугунги кунда 20 нафар ходим бу йўналишда меҳнат қилмоқда. Эҳтиёж йил сайин қамайиб бораётган бўлса-да, коммутаторлар хизматидан фойдаланишни лозим топувчилар сони ханузгача анчагина.

– Коммутаторликка 35 йилдан ортиқ умрини ҳаёт этган Лидия Тоскина ва Лариса Тарасенколар бугун ҳам Людмила Назарова, Ҳалима Эшбутаева каби шогирдлариға ўз тажрибаларидан сибоб бериб, мижозлар талабига хос хизмат кўрсатишга ҳаракат қилишяпти, – дейди ЛАЦ етакчи муҳандиси Дилором Тўлиева. – Тараққий ёнги имкониятларни келтириб чиқараверади. Бу яхши, албатта. Ававалиг ускуналарда ишлаш билан бугунги рақамли станцияларда ишлашнинг жуда катта фарқи бор. Унинг қулайликларини айтмайсизми? Бирок, қайсики хизматга эҳтиёж мавжуд экан, аҳолини бундан баҳраманд этиш бизнинг бурчимиздир.

Навоий шаҳрини сифатли телефон алоқаси билан таъминлаб турган марказий рақамли станциянинг меъёра-қоида ишлашини таъминлаш ходимлардан анчагина билим ва кўникма талаб этиши турган гап. Ишлаб чиқариш техник лабораторияси бошлиғи Худойкул Искандаровнинг айтишича, АТС етакчи мутахассиси ва техник ходимлари масъ-

Ахоров ва Хусан Қаюмов сингари ёш, шижоатли мутахассисларнинг хизмати каттадир.

JBIC лойиҳаси бўйича бажарилган ишларнинг биринчи қалдирғочи сифатида Нурота туманидаги янги станция мижозларга хизмат кўрсата бошлади.

– Телекоммуникациялар боғламаиизда 38 нафар ходим хизмат қилади, – деди боғлама бошлиғи Аҳмад Боқиев биз билан суҳбатда. – 1500 рақамли янги станциянинг ўз вақтида ишга туширилиши учун мутахассисларимиз кеча-кўнудз тиним билмай меҳнат қилишди. Шунингдек, раҳбариятимизнинг ва туман ҳокими Уктам Ҳакимовнинг амалий ёрдамлари эвазига белгиланган вазифаларни адо этишга эришдик.

Лойиҳа бўйича биринчи ярим йиллик якунига қадар Зарафшон шаҳри, Ҳозгон, Бўстон, Дебаланд, Фарход каби қўрғонларда сизими 12 миң рақамга тенг 11та электрон АТС иш бошлади. Шу тариқа вилоят телефон алоқаси республикада биринчи бўлиб тўлик рақамлаштирилган тизимга ўтади. Бу барча алоқа хизматидан фойдаланувчилар учун ягона ва ишончли ахборот жамияти яратиш йўлида муҳим қадам бўлиши табиийдир.

Эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмаслик “Навоий Телеком” филиали жамоасининг шioriға айланган. Албатта, иш бор жойда қамчилик ҳам, муаммо ҳам бўлади. Фақат уларни ўз вақтида бартараф этишгана янги муаммолар келиб чиқмаслигини қафолатлаш мумкин. Буни навоийлик алоқачилар яхши тушунади. Олдинда турган вазифаларни бекаму-кўст бажариб, инсонлар оғирини енгил қилиш уларнинг касбий бурчидир. Бу йўлда уларга янгидан-янги зафарлар тилаб қоламиз.

Лутфилло ТУРСУНОВ,
“Xabar”нинг маҳсус муҳбири

САМАРҚАНДАДА РЕСПУБЛИКА СЕМИНАРИ

Бугун Самарқанд шаҳрида “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида”ги семинар-йиғилиш ўз ишнини бошлади.

Ушбу семинарда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати, келгуси режалар ва мавжуд муаммолар тўғрисида фикр юритилди. Йиғилишда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги мутахассислари, вазирилик ва идоралар вакилларининг соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича маърузалари тингланади.

Семинар-йиғилиш ҳақидаги маълумот билан газетамизнинг кейинги сониде батафсил танишишигиз мумкин.

Суратларда: 1. “Навоий Телеком” филиалига қарашли сўзлашув маскани. 2. Ишлаб чиқариш техник лабораторияси бошлиғи Худойкул ИСКАНДАРОВА ва Навоий шаҳар телефон тармоқлари етакчи муҳандиси Ғофур КУМАКОВ. 3. Ишлаб чиқариш техник лабораторияси муҳандиси Александр КОВАЛЕНКО ва шаҳар телефон тармоқлари муҳандиси УМИДА УМАРОВА.

Бахтиёр ака Вакиловнинг иши ҳам ўзи каби камтарона ва оддий. У кўп йиллардан бери матбуот тарқатиш соҳасида ишлайди, Тошкент шаҳар "Матбуот тарқатиш уюшмаси" АЖга қарашли 606-матбуот дўкони сотувчиси. Одамларга эзгулик, зиё улашиш, уларни янгиликлардан воқиф этиш, шу йўл билан кўпчиликнинг оғирини енгил қилиш — Бахтиёр аканинг иши.

— Мен 1968 йилдан буён шу соҳада ишлайман. Ҳар ҳафтада дўконимизга 175 номдаги газеталар, турли журналлар келтирилади. Матбуот нашрларига обунани ҳам шу ерда расмийлаштирамиз, — дейди Бахтиёр Вакилов. — Булар бир қараш-

қилишми, талабалар ҳам қийналишмасди?...
— Ҳозирда газеталарнинг турлари ҳам нихоятда кўпайиб кетди...

— Кўпайгани яхши, албатта. Сотилса-ку яхши, сотилмай қолгани ёмон. Биламан газетачилик оғир иш, ўзига яраша машаққати бор, уни чиқаришнинг ўзи бўлмайди. Шунга яраша мақола ва материалларнинг нуфузи бўлиши керак-да. Қоғоз масаласи катта муаммо дейишадими, қоғозни исроф қилишганига баъзан ачинаман. Қоғоз қиммат, устига устак четдан келтирилса, ҳар хил газеталарни чиқаравериш керак эмас-да. Одамларга керакли газета бўлса, ўзлари қидириб топиб олишади. Шундай газеталар борки, ҳафта-ун кун чанг босиб ётади, кейин қайтариб юборишга тўғри келади. Одамлар газетани ундан ниманидир ўрганиш, бирор янгилик олиш учун харид қилишади. Қайтариклар, янгилик бермайдиган, тарбиявий аҳамиятга эга бўлмаган мақола-

Одамларга ЗИЁ УЛАШИШ...

да кўзга оддийгина иш бўлиб кўринади. Билмаганлар, "Пашша қўриб, чой ичиб ўтиради, шунга иш бўлганими?", дейиши мумкин. Аслида, бунинг ҳам ўзига яраша машаққати, масъулияти бор.

Кимки китоб, газета-журналларни кўп ўқиса, у маънавияти юксак, дунёқарашли кенг, маданиятли бўлиб, бундай кишилар ҳеч қимга, ҳеч қанон ёмонлики раво кўрмайди. Ҳуқуқли, зиёли кишининг бирорта ёмонлик қилганини ҳеч кўрганмисиз?... Ундай кишиларда бир-бирларига меҳр-оқибат кучли бўлади, инсон қадрига кўпроқ етишади. Шуларни назарда тутиб, ҳар кун эрталаб соат олтидан кеч еттигача шу ердасиз.

— **Айтингчи, қайси газеталарнинг харида чакқонроқ?**

— Республикамиз ҳаётига оид энг сўнгги янгиликлар, қонун ва қарорлар, кўпчиликни қизиқтирадиган, уйлантирадиган, бирор бир мушоҳадага ундайдиган мақолалар босилган газеталарнинг доимий ўқувчилари бор. Масалан, "Халқ сўзи", "Ўзбекистон овози", "Маърифат", "Ҳуқуқ" газеталари сира қолмайди. Яна "Ойла ва жамият", "Даракчи", "Ҳордик", "Меридиан", "Бекажон" каби, шунингдек, бошқотирмалардан иборат газеталар тез сотилади.

— **Бугунги газеталарнинг кўпроқ нималар қизиқтиради, деб ўйлайсиз?**

— Газеталарни сотиб олишадиганлардан шуни сезаманки, ҳозирги аксарият ўқувчилар шов-шувга сабаб бўладиган материалларга қизиқишади. Бизга Тошкент Давлат педагогика университети яқин бўлгани учун миқозларимизнинг кўпи профессор-ўқитувчилар, талабалардир. Баъзан диплом ёки курс иши ёзаётган ёшлар, бирор мавзуга оид материаллари бор газеталарни сўраб келишади. Шундай пайтда улар қайси газетани олишни билмай қийналишади. Домалар яхши тушуниришмайди, дейман. Ҳамма газеталарни бирма-бир қўриб чиқишади. Устозлар қайси газетанинг қайси сонини олишни тавсия-

лар босилган газетани кимга кераги бор? Ҳар ҳафта 1 млн. 700 минг сўмлик газета олиб келамиз. Шундан 180-200 минг сўмлик сотилмай қайтарилади. Баъзи газеталар юзталаб келади, қолмайди, баъзилари 2-3та бўлса ҳам ҳеч қим сўрамайди.

— **Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?**

— Кейинги пайтларда матбуотда ҳеч қим китоб, газета-журнал ўқимай қўйди, деб кўп ёзишарди. Аввало, бунинг сабабини одамлардан сўраш керак. Менимча, ҳозирда телевидениенинг мавқеи ошиб кетди. Ҳамма телевизор кўради. Жаҳонда ва мамлакатимизда рўй бераётган воқеалар, маълумот ва янгиликларни телевиденидан, Интернетдан олишади, радиодан эшитишади. Булар газеталардан чикўнига қадар эскиради. Шунингдек, алоқа ва телекоммуникацияларнинг ривожланиши, ахборот алмашувининг тезкорлиги ҳам китоб, газета-журналларни кам ўқишга сабаб бўлмоқда, деб ўйлайман. Бундан ташқари, газеталарда танқидий материаллар кам берилади.

— **Қандай муаммо ёки тақлифларингиз бор?**

— Кўп қаватли уйларда сут-қатик, қаймоқ сотувчи, сантехник, эски-туски кийим-бош йиғувчи, тиланчи, пойфазалчи ва бошқалар эшик қўнғиронини чалишиб кишиларни тинимсиз безовта қилишади. Ёки уй-жой ширкатидан иссиқ ва совуқ сув, газ, чирок ҳақини, солиқ тўлаш кераклигини талаб қилиб келувчилар қанча? Кун бўйи эшик очавериб чарчаб кетасан баъзан. Лекин бирон бир марта китоб ёки газета-журнал оласизми, деб келувчилар топиб қолмайди. Газета-журналларни ҳам дам олиш кўчлари кўп қаватли уйларда тарқатиб юришса яхши бўларди? Шаҳримиз бўйича 300та матбуот дўконлари ишлаб турибди. Менимча, бу кам. Айрим аҳоли зич яшайдиган, кўп қаватли уйлар бор жойларда газета дўконларини кўпайтириш лозим.

Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ
сўхбатлашди

ALOQA OLAMIDA

LG АЙБДОРМИ?

Корея фонография саноати уюшмаси (KAPP) LG компаниясини аудиокоркчиларга воситачиликда айбламоқда. Бунга LGнинг MP3-файлли (музыка қурилмали) мобил телефонлари музыка саноати савдосига салбий таъсир кўрсатаётгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Муаллифлик ҳуқуқи эгалари илгари ҳам бир неча бор LGга ўз мобил телефонларига MP3-файлларнинг аппарат хотирасига юкланиши амалга ошганидан сўнг орадан 72 соат ўтиб уларнинг автоматик тарзда йўқолишини таъминловчи махсус тизимлар ўрнатиш талаби билан мурожаат қилишган эди. Бироқ компания доим рад жавобини бериб келган. 2004 йил, апрел ойининг ўзидаёқ 80 минг дона атрофидаги MP3-файлли LG савдо белгиси туширилган мобил телефонлари сотилган. Бу эса, давogarларнинг фикрича, аудиокоркчилик билан шуғулланувчиларга "катта имкониятлар

эшиги"ни очиб беради.

LG компаниясидагилар эса ўз навбатида уяли телефон хотирасидаги аудиофайллар "умри"ни қисқартириш мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлашда ҳам эътишмоқда. Уларнинг гапида ҳам жон бор, шекилли. Чунки ҳеч қим бу каби талабни MP3-плеерлар ёки музикаий маркалар етказиб берувчилар олдиға қўймаган. Бунинг устига мавжуд қўшиқ нусхасини компьютер винчестри ёки оптик дискда сақлаш мумкин. Воқеалар ривожини, албатта, вақт кўрсатади, бироқ LGнинг доимий рақобатчиларидан бўлган Samsung компанияси ўз телефон аппаратларида аудиоёзувларнинг сақлини муддатни келашга розилик берган.



АМЕРИКАЛИКЛАР ЯПОНЛАРНИ ОРТДА ҚОЛДИРИШМОҚЧИ

АҚШ Энергетика вазирлиги оддий фуқаролар учун мўлжалланган янги суперкомпьютер яратилиши режалаштирмоқда. Маълумотларга кўра, у NEC компанияси томонидан Японияда тайёрланган ва ҳозирга қадар тенгсиз ҳисобланиб келинган Earth Simulator компьютерини орта қолдириши мумкин экан. Таъкидлаш ўринлики, Энергетика вазирлиги биринчи гада ҳарбий мақсадларга доир йирик бюртмаларни бажариб келган. Бироқ Ассоциацияте Пресс агентлиги тартатган хабарга кўра янги лойиҳанинг ҳарбий соҳага мутлақо дахли йўқ.

Суперкомпьютер Теннесси штатида жойлашган Оукриж миллий лабораториясида йиғилади. Унинг яратилиши учун яқин икки йилга 50 млн. доллар маблағ ажратилган. Бу ишларда компьютер бозорига пешқадамлик қилаётган IBM, SGI ва Cray сингари компаниялар иштирок этади.

Агар лойиҳа муваффақиятли амалга ошса америкаликларнинг компютери бир сонияда 50 триллион (терафлопс) амалиётни бажара олади. 2002 йилда японлар яратган Earth Simulatorга бу кўрсаткич 35,86 (терафлопс)га тенг.

ПЛАГИАТОР ТАЛАБА

Кент университети (Буюк Британия) талабаси Майкл Ганн ўз ўқув юртини судга бермоқчи. Йигирма бир ёшли Ганнинг фикрича, университет раҳбарияти ўз зиммасидаги барча мажбуриятларни бажармагани боис, у уч йиллик курсларни битириш имкониятини йўқотган. Гап шундаки, битирув имтиҳонларига бир кун қолганда ўқитувчилар у топширган иш кўчирма эканини пайкаб қолишган. Аниқланишича, Майкл ўзини қийнаб ўтирмасдан Интернетта кирган ва тайёр лойиҳани кўчирган-қўйган. Кейинчалик унинг олдинги ўн учта иши ҳам кўчирма экани фойш

бўлган ва раҳбарият уларнинг натижаларини бекор қилган.

Аҳамиятли томони "жабрланувчи" ўқув йиллари мобайнида бироларнинг ишларидан фойдаланиб келганини тан олган. Биринчи рефератига аъло баҳо олиши келгусига унинг узил-кесил шу йўлни танлашига сабаб бўлган. "Агарда ўқитувчилар хатомини ўз вақтида кўрсатишганида, мен бу вазиятга тушиб қолмаган бўлардим", дея таъкидлаган Майкл шунча вақт ва маблағни бекорга сарфлашининг асл айбори кимлигини аниқлашга аҳд қилган. Бунининг ота-онаси муносиб адвокат излаётганидан билса ҳам бўлади.

Кент университети маъмурияти эса барча талабалар раҳбариятнинг плагиатга (кўчирмачилик) муносабати ҳақида аниқ тасаввурга эга эканлигини ва иш жараёнида бу борада муайян курсатмалар ҳам берилишини айтишган. Дарвоқе, талабаларнинг рефератларини текширишда бирор бир шубҳа туғилса махсус онлайн хизматидан (масалан, Turnitin.com тизими сингари) фойдаланилади.



TATU HAYOTIDAN

СЕМИНАР-МАШҒУЛОТ

Тошкент ахборот технологиялари университетида 2003-2004 ўқув йилининг II семестридан бошлаб "Информатика" фанини табақалаштирилган гуруҳларда ўқитиш таҳриба тариқасида йўлга қўйилди. I семестр натижаларига ва талабаларнинг хоҳишларига асосан гуруҳлардаги "Информатика" фанига қизиққан ва ҳаракатчан талабалар йиғилиб "А" постоқ ташкил этилди.

Дарслар замонавий ахборот технологиялари асосида олиб борилди. Бу усул талабаларнинг мустақкам билим олишларига омил бўлди. Улар машғулотларга жуда фаол қатнашдилар ва ўз иқтидорларини намойён қилдилар.

Яқинда талабаларнинг мустақил равишда компютерлар асосида ишлаб чиққан иходий ишлари бўйича семинар ўтказилди. Унда Т.Бойбуваев, Х.Соаткулов, В.Жумаев, Б.Наврўзов, Ф.Ақбархўжаев ва Ш.Маматқаримовлар қизиқарли мавзуларда маъруза қилдилар. Анжуманда университетнинг маънавият ишлари бўйича I-проректори Н.Мўминов, "Информатика" кафедрасининг мудири, профессор Б.Ражабов, Фундаментал фанлари факултети декани, профессор Б.Абдусаторов ва бошқалар иштирок этиб, талабаларга келгуси ўқиш ва иходларидида омад тиладилар.

Н.ИРГАШЕВА,
"Информатика" кафедраси катта ўқитувчиси

ДУНЁ ЁШЛАРИ ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ

Пойтахтимиздаги Вестминстер университетида терроризм ва экстремизмга қарши кураш шиори остида БМТ ташаббуси билан 9 модел рол-ўйин тадбири бўлиб ўтди. Унда талабалар жаҳон халқлари вакиллари ролларини ижро этдилар.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Радио факултети 34-01 гуруҳ талабалари Александр Жуков ҳамда Елена Калашниковалар иштирокчилар ҳуқмига Бразилия ва Германия давлатлари вакиллари ролини ҳавола қилдилар. Тадбирнинг биринчи кунинда талабалар ўзлари тақдим этаётган мамлакатлар ҳақида маърузалар ўқидилар, ихкинчи кун эса баҳс-мунозаралар уюштирилди. Ёшлар таъбиргарлик жараёнида университетимиз ижтимоий ҳаётда мавжуд дисклад, журнал, энциклопедия ва лугатлардан фойдаланган ҳолда турли мамлакатларга доир маълумотлар тўпладилар, уларнинг иқтисодий, ихтимоий тусилини, тарихи ва яшаш шароитларини чуқур ўргандилар. Шунингдек, БМТнинг умумжаҳон микёсида олиб бораётгани фаолиятини чуқурроқ ўрганишга муваффақ бўлидилар.

Тадбир якунида унинг мақсадидадан қилиб чиқиб терроризм ва экстремизмга қарши резолюциялар қабул қилинди. Тадбир иштирокчиларига БМТнинг Ўзбекистондаги мухтор вакили Эрик Де Мул имзоси билан сертификатлар топширилди.

Ю.ХОЖАЛЕПЕСОВА,
TATU доценти

Бурное развитие информационно-коммуникационных технологий, всеобщее развитие и расширение сетей телекоммуникаций в нашей республике, интеграция ее в мировое информационное пространство ставят перед национальными операторами телекоммуникаций важные и неотложные задачи по внедрению современных услуг связи во все отрасли экономики.

Важность и актуальность происходящих преобразований в сфере телекоммуникаций республики является предпосылкой и жизненной необходимостью для перехода предприятий связи на современные, отвечающие мировым стандартам методы управления производственным процессом.

Следует отметить, что для этих целей в Узбекистане создана необходимая законодательная база. Приняты законы «Об информатизации», «Об электронной цифровой подписи», «О документообороте», Постановление Кабинета Министров от 6 июня 2002г. «О мерах по дальнейшему развитию компьютеризации и мерах по внедрению информационно-коммуникационных технологий».

На совместном Узбекско-Швейцарском предприятии «Чирком» благодаря иностранным инвестициям, а также во исполнение Национальной программы развития телекоммуникаций и информационных технологий впервые были внедрены самые совершенные по мировым стандартам средства телекоммуникации. В результате цифровизации и модернизации сети телекоммуникаций, высокого профессионального уровня работников на предприятии была создана корпоративная сеть, объединяющая в единое целое все функциональные узлы, разработанная и внедрена электронная Биллинговая система, внедрена лицензионная бухгалтерская программа «Scala» и обеспечен переход на новые план-счета.

Все эти мероприятия, несомненно, позволили повысить надежность и качество сети, уровень обслуживания клиентов, оптимизировать систему управления производственным процессом. Однако, имея современное электронно-техническое оснащение и хорошо отлаженную взаимосвязь между отделами по локальной компьютерной сети, документооборот осуществлялся на бумажном носителе. Вся входящая и исходящая документация, внутренние документы, а также контроль их исполнения производился только на бумажном но-

сители, что являлось причиной необоснованно длительных сроков исполнения и отсутствия должного контроля над документооборотом.

В сложившейся ситуации необходимо было найти пути и инструмент реализации постав-

- Контроль прохождения документов и исполнения связанных с ним поручений и согласований

- Поиск документов в системе по их содержанию и любой комбинации реквизитов

- Создание и использование маршрутов поручений и согласований

- Обмен электронными сообщениями между сотрудниками
- Гибкая настройка регистрационных форм карточек документов

- Создание и использование любых отчетных форм в соответствии со спецификой работы
- Создание разного вида от-

- надичие руководящей документации к разработанному продукту

- обучение персонала работе с разработанной системой электронного документооборота.

Внедрению СЭД предшествовала подготовительная работа на СП «Чирком»: было определено, какие документы будут ходить в системе, правила их прохождения (маршрут), какие должны быть информационные потоки и регистрационные карточки, распределены зоны ответственности сотрудников и отделов, учтены требования и пожелания сотрудников.

Внедрение СЭД происходило

Система Электронного Документооборота на СП «ЧИРКОМ»



ленной задачи, т.е. внедрить на предприятии систему электронного документооборота, позволяющего организовать движение документов и другой информации по компьютерной сети, способа регистрации документов и их хранения, обеспечения контроля исполнения по документам и заданиям в электронном виде.

При тесном сотрудничестве специалистов ЧФ «Протехника» и работников СП «Чирком» в феврале 2004 года впервые на предприятии связи была внедрена система ЕВФРАТ-ДОКУМЕНТООБОРОТ компании Cognitive Technologies LTD, которая предоставляет пользователям следующие возможности:

- Регистрация документов
- Перемещение документов между сотрудниками
- Согласование документов

четов по документообороту

- Электронная архивация документов и управление архивом
- Криптографическая защита документооборота в системе
- Настройка и использование электронной цифровой подписи в документообороте.

Перед системой электронного документооборота (СЭД) были поставлены приоритетные задачи, которые она должна была решать. Это — обеспечить:

- ведение регистрации документов и их хранение в электронном виде
- регламентированный доступ к электронным документам
- контроль исполнения по документам системы и заданиям в электронном виде
- масштабируемость разрабатываемой и внедряемой системы

познанию. Первый этап охватил руководство и начальников отделов. Второй этап должен был расширить систему как в функциональном (введение модуля электронного архива), так и в численном плане (подключение новых пользователей). На начальном этапе система прошла «апробирование» с устранением ошибок и выявлением новых вопросов, связанных с появлением непредвиденных задач на момент внедрения СЭД. Затем шёл процесс настройки системы - это перенесение информации, которую собирали, обработали и доработали в процессе разработки проекта и внедрения, с бумаги в электронный вид.

Далее начался процесс обучения пользователей, который прошли все сотрудники и администраторы системы. Они на практике производили настройку системы, что на наш взгляд является наиболее ценным опытом, используемым в дальнейшей работе.

И только после этого СЭД была введена в «промышленную эксплуатацию».

Итак, что достигнуто:

Значительное сокращение времени на согласования и прохождение документов, повседневный контроль исполнения документов и поручений, результатом которого является повышение эффективности работы, оптимизация материальных и трудовых ресурсов. «Самое главное, сделан еще один шаг к достижению конечной цели - организации управления производственным процессом, отвечающего требованиям мировых стандартов.

Ирина ДОБРЫНИНА,
Ирина РУСЬ

ИКТ: ФИНАНСОВЫЕ НОВОСТИ

Google проведет IPO через Интернет

Этим летом впервые со времен обвала акций Интернет - компаний в 2000 г. пройдет первичное размещение акций в этом секторе. Самая популярная в мире поисковая система Google рассчитывает таким образом привлечь \$2,7 млрд. - больше, чем удавалось кому-либо в отрасли. Это IPO станет знакомым и для финансового сектора, поскольку цену размещения акций определят сами инвесторы на Интернет - аукционе.

LG Group

инвестирует новые разработки

Южнокорейский конгломерат LG Group намерен к 2010 году инвестировать 30 триллионов вон (\$25,3 млрд.) в разработки и научные исследования, которые должны помочь ему укрепить лидерство в таких областях, как производство жидкокристаллических дисплеев и сотовых телефонов, сообщает Reuters. «Более 60% годового бюджета, предназначенного для разработок и исследований, будет направлено на поддержку производства мобильных телефонов, цифровых телевизоров и плоских экранов», - говорится в заявлении LG.

Растёт объём рынка телекоммуникаций в Армении

За первый квартал 2004 года в Армении было предоставлено услуг связи на 14,679 млрд. драмов (\$26,4 млн.), в том числе населению - 8,1 млрд. драмов (порядка \$14,6 млн.). Как сообщает Национальная статистическая служба Армении, по сравнению с аналогичным периодом предыдущего года рост составил 17,3%. Из них на долю телефонных разговоров пришлось 9,485 млрд. драмов (\$17,1 млн.), рост составил 17,1%.

Sasser лишит мировую экономику 500 миллионов долларов

Размер ущерба, нанесённого мировой экономике эпидемией вируса Sasser, может достигнуть 500 миллионов долларов. Такого мнения придерживаются эксперты консалтинговой компании Computer Economics. При этом специалисты отмечают, что в своих расчётах они не учитывали факт появления самой последней версии вредоносной программы - Sasser.f. Текущий год уже стал крайне неблагоприятным в области компьютерной безопасности. По данным разработчиков антивирусного программного обеспечения из британской компании McAfee, вирусная активность за первые четыре месяца 2004 года уже превзошла аналогичный показатель за прошлый год в целом.

Бум мобильной связи

На заседании правительства республики в Грозном исполняющий обязанности президента Чечни Сергей Абрамов сообщил, что во время состоявшихся у него в Москве встреч была достигнута договорённость о снятии ограничений на подключение к сети мобильной связи, действующей на территории республики. Сообщение о возможности неограниченного пользования сетью мобильной связи было распространено СМИ. Как стало известно CNews.ru, в настоящее время подключение новых абонентов еще не начато, но производится обслуживание роумеров из соседних регионов.

Расцвет UMTS в Европе

Начало роста сетей сотовой связи нового поколения в Европе, о котором много говорили аналитики, можно считать состоявшимся. К Hutchison Whampoa, работавшему в

Италии более года, присоединились Telecom Italia Mobile и Vodafone. Последний открыл 3G в Германии и Португалии. Испания также обзавелась UMTS от отечественного Telefonica Moviles. В течение года участники 3G-рынка Европы обещают покрыть своими сетями весь континент.

GSM остаётся самым популярным стандартом

Ассоциация 3G Americas сообщила, что по итогам I квартала 2004 года самым популярным стандартом для подключения новых абонентов мобильной связи в Северной и Латинской Америке, а также на Карибах, остаётся GSM - в этом регионе за отчетный период подключилось 10,5 млн. человек. Из них 4,8 млн. в Канаде и США.



МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ

Центр «Восточного Ветра» в Узбекистане

В сети узбекского оператора мобильной связи Perfectum Mobile в коммерческую эксплуатацию запущен центр коротких сообщений EastWind SMSC производства ЗАО «Восточный Ветер». Perfectum Mobile является единственным оператором Узбекистана, предоставляющим своим абонентам услуги мобильной связи на основе технологии CDMA. EastWind SMSC был установлен в сети стандарта CDMA 800.

Из AMPS в GSM

Петербургский оператор сотовой связи «Санкт-Петербург Телеком» (СПТ) предложил всем пользователям своей AMPS-сети, работающей под торговой маркой FORA Communication, серьезно задуматься о переходе в GSM-сеть компании, предоставляющей услуги под брендом Tele2. Компания объясняет этот призыв тем, что ее AMPS-лицензия заканчивается 31 июля 2004 г.

ТЕЛЕДАСТУРЛАР 14 — 20 июн учун TVI, TVII, TVIII, TVIV, OPT, RTP, HTB



ДУШАНБА, 14

"Ўзбекистон" телеканали TVI
Телетомобинлар диктанти! Профлактика муносабати билан "Ўзбекистон" телеканал 14 нинчи кунги эфир дастуридаги соат 15.00 дан бошлайди.
15.00 "Тадқиқнома".
15.45 Футбол бўйича Европа чемпионати. Швейцария-Хорватия.
17.20 "Санъат аўстликка чор-дайди".
17.40 ТВ-аним.
17.45 "Эл саломатини йўлга".
18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
18.10 "Анъаналар отази давом". Муслик астури.
18.45 "Мулкдор".
19.05 "Спорт - менинг ҳаётим".
19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
21.00 "Ўзбекистон"

СЕШАНБА, 15

"Ўзбекистон" телеканали TVI
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ўзбекистон".
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Гагеллар шарҳи.
9.00 "Қўшбоқчи"нинг сувоғи саргушларига".
Хужжат телесериал.
9.30 "Тўққан наволар".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 "Мулкдор".
"Елги талчи куларма".
12.25 "Сезгин сурат". Бадий фильм.
11.50 ТВ-аним.
12.05 2004 йил - Меҳр ва муруват йили "Химат".
12.25 "Ўзбекистон"нинг намойиши: "Ўқиб тиллар".
12.45 "Муслик астури".
13.05 "Бу турби олам".
13.55 ТВ-аним.
14.10 Футбол бўйича Европа чемпионати. Дания-Италия.
15.45 "Йилдан йилга тоқат".
16.00 1. "Қўшма - жон қўшим".
2. "Қўшма, стартер".
17.00 "Ватанга эҳтиш қўйилди".
17.10 "Қўйилди, билим".
18.25 "Танга қўйилди".
18.45 "Остона тиллашди".
19.05 "Тайфол".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
20.00 Оқим эртаслари.

ЧОРШАНБА, 16

"Ўзбекистон" телеканали TVI
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ўзбекистон".
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Гагеллар шарҳи.
9.00 "Қўшбоқчи"нинг сувоғи саргушларига".
Хужжат телесериал.
9.30 "Ўзбекистон"нинг намойиши: "Сезгин сурат".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 "Мулкдор".
"Елги талчи куларма".
12.25 "Ўзбекистон"нинг намойиши: "Ўқиб тиллар".
13.05 ТВ-аним.
13.55 "Хитон. Гўлги қасри".
Хужжат фильм премьераси.
13.20 Боллар учун "Саргушлар олами".
13.10 Муслик астури.
13.10 "Урини ушла".
14.10 Футбол бўйича Европа чемпионати. Германия-Голландия.
15.45 "Йилга одам".
16.15 "Қўшма қанотлар".
16.35 "Нит усли".
16.55 "Болакининг мовий осмони".
17.00 1. "Болакининг мовий осмони".
2. "Қизилдан урғунлар".
18.10 "Ўзбекистон" тақдим этили: "Муслик астури".
18.25 "Мўмин".
18.40 "Буқ ажалларини".

ПАЙШАНБА, 17

"Ўзбекистон" телеканали TVI
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ўзбекистон".
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Гагеллар шарҳи.
9.00 1. "Болакининг мовий осмони".
2. "Қизилдан урғунлар".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 "Мулкдор".
"Елги талчи куларма".
12.25 "Ўзбекистон"нинг намойиши: "Ўқиб тиллар".
13.05 ТВ-аним.
13.05 "Харакатда-баракат".
13.20 Эстрада тароналари.
13.40 "Дуно бўлади".
